

**“Ўзавтосаноат” АЖ томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 30 январдаги ““Ўзбекистон–2030” стратегиясини “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йилида амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-16-сонли Фармони топшириқлари ижроси бўйича**

**МАЪЛУМОТ**

*Март ҳолатига*

| Т/р | Топшириқ мазмуни                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                            | Ижрога масъул вазирлик, идора                                              | Ижро муддати           | Ижро ҳолати                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                     |
|-----|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----------------------------------------------------------------------------|------------------------|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| 1.  | <p><b>33-банд.</b></p> <p>Белгилаб қўйилсинки: Давлат дастурини сўзсиз, сифатли ва тўлиқ амалга ошириш барча даражадаги давлат органлари ва ташкилотларининг биринчи навбатдаги устувор вазифаси ҳисобланади;</p> <p>давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарлари Давлат дастурида ҳар чорак кесимида тегишли йўналиш ва ҳудуд бўйича белгиланган мақсадли кўрсаткичларга эришиш, назарда тутилган чора-тадбирларни самарали амалга ошириш ва зарур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ўз вақтида ва пухта ишлаб чиқиш учун шахсан жавобгар бўлади.</p> | <p>Барча вазирлик ва идоралар</p> <p>“Ўзавтосаноат” АЖ</p>                 | 2025 йил давомида      | <p><b>Бажарилмоқда.</b></p> <p>“Ўзавтосаноат” АЖнинг 2025 йил 20 февралдаги 17-030-сон буюруғига мувофиқ ““Ўзбекистон–2030” стратегиясини “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йилида амалга оширишга оид Давлат дастури”ни сўзсиз, сифатли ва тўлиқ амалга ошириш бўйича барча таркибий бўлинма бошлиқлари ва тизим корхона раҳбарларининг устувор вазифаси қилиб белгиланди.</p> <p>Шунингдек, дастурда белгиланган топшириқлар ва мақсадли кўрсаткичларга эришишда масъул ходимлар шахсан жавобгар этиб белгиланди.</p> |
| 2.  | <p><b>4-илова, 44-банд.</b></p> <p>Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан жамоат транспорти эҳтиёжлари учун транспорт воситалари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш.</p> <p>Механизм: Республикамизда электробус, автобус ва</p>                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                    | <p>“Ўзавтосаноат” АЖ,</p> <p>Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги,</p> | 2025 йил якунига қадар | <p><b>Бажарилмоқда.</b></p> <p>Бугунги кунда “SamAuto” МЧЖ ҚК ишлаб чиқариш қувватларида узунлиги 7-9 метр бўлган 3 хил русумдаги автобуслар ишлаб чиқарилмоқда (LF60, HD50, HC45).</p> <p>Шу билан бирга, айти пайтда газ ва электрда (электробус) ишлайдиган 9 метрли паст полли шаҳар автобусларини ишлаб чиқариш бўйича</p>                                                                                                                                                                                                 |

| Т/р | Топшириқ мазмуни                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                    | Ижрога масъул вазирлик, идора                                                                              | Ижро муддати      | Ижро ҳолати                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                            |
|-----|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-------------------|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
|     | микроавтобуслар ишлаб чиқариш имкониятларини ўрганиб, маҳаллий тадбиркорлар ва тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб қилиш ҳисобига ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш лойиҳаларини бошлаш.                                                                                                                                                                            | Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги,<br><br>Андижон вилояти ҳокимлиги,<br><br>Тошкент шаҳар ҳокимлиги |                   | ишлар олиб борилмоқда. 2024 йилнинг IV чорагида ушбу автобусларнинг прототиплари ишлаб чиқарилди. Ҳозирги кунда валидация синовлари ўтказилмоқда. Сертификатлаштириш синовларининг қарийб 40 фоизи якунланди. Серияли ишлаб чиқаришни ўзлаштириш учун технологик ускуналар жорий йилнинг май ойида етказиб берилиши кутилмоқда. Серияли ишлаб чиқаришни 2025 йилнинг II-ярмида бошлаш режалаштирилган. |
| 3.  | <b>4-илова, 61.1-банд.</b><br>Синов лабораториялар базасини ривожлантириш бўйича инвестицияларни кенг жалб қилиш.<br>Механизм:<br>1. Куёш панеллар, совиткич ва музлаткичлар ҳамда қишлоқ хўжалиги техникалари ағдариш бурчаги синовини амалга оширувчи замонавий синов лабораториялари мавжуд ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганиш ва ҳамкорликни йўлга қўйиш | Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги,<br><br>“Ўзэлтехсаноат” уюшмаси,<br><br>“Ўзавтосаноат” АЖ         | 2025 йил давомида | <b>Бажарилмоқда.</b><br>Қишлоқ хўжалиги техникалари ағдариш бурчаги синовини амалга оширувчи мавжуд потенциал ҳамкор хорижий лабораториялар ўрганилмоқда.                                                                                                                                                                                                                                              |
| 4.  | <b>4-илова, 61.2-банд.</b><br>Синов лабораториялар базасини ривожлантириш бўйича инвестицияларни кенг жалб қилиш.<br>Механизм:<br>2. Мазкур лабораторияларни республикада ташкил этиш учун талаб                                                                                                                                                                    | Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги,<br><br>“Ўзэлтехсаноат” уюшмаси,                                  | 2025 йил давомида | <b>Бажарилмоқда.</b><br>Қишлоқ хўжалиги техникалари ағдариш бурчаги синовини амалга оширувчи мавжуд потенциал ҳамкор хорижий лабораториялар ўрганилмоқда. Ўрганиш якунида мақбул хорижий лаборатория танланиб, ҳамкорликда Республикамизда эксплуатация қилинувчи                                                                                                                                      |

| Т/р | Топшириқ мазмуни                                                                                                                                                                                                                                                                                                         | Ижрога масъул вазирлик, идора                                                                             | Ижро муддати      | Ижро ҳолати                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                         |
|-----|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------|-------------------|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
|     | этиладиган ускуналар рўйхатини шакллантириш                                                                                                                                                                                                                                                                              | “Ўзавтосаноат” АЖ                                                                                         |                   | Қишлоқ хўжалиги техникалари учун мос келувчи синов ускуналари рўйхати шакллантирилади.                                                                                                                                                                                                                                                                              |
| 5.  | <p><b>4-илова, 61.3-банд.</b></p> <p>Синов лабораториялар базасини ривожлантириш бўйича инвестицияларни кенг жалб қилиш.</p> <p>Механизм:</p> <p>3. Куёш панеллар, совиткич ва музлаткичлар ҳамда қишлоқ хўжалиги техникалари ағдариш бурчаги синовини амалга оширувчи замонавий синов лабораторияларини ташкил этиш</p> | <p>Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги,</p> <p>“Ўзэлтехсаноат” уюшмаси,</p> <p>“Ўзавтосаноат” АЖ</p> | 2025 йил давомида | <p><b>Бажарилмоқда.</b></p> <p>Қишлоқ хўжалиги техникалари ағдариш бурчаги синовини амалга оширувчи мавжуд потенциал ҳамкор хорижий лабораториялар ўрганилмоқда. Ўрганиш якунида мақбул хорижий лаборатория танланиб, ҳамкорликда Республикамизда эксплуатация килинувчи Қишлоқ хўжалиги техникалари учун мос келувчи синов ускуналари рўйхати шакллантирилади.</p> |